

**РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ,
“ЎЗБЕККИНО” МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ,
ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА,
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ,
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**“Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган мутафаккирлар” шиори
остида буюк аجدодларимиз, жумладан XX аср жаҳид адабиёти
намояндалари ҳаёти, ижоди, тараққийпарвар ғоялари тарғиботига
бағишланган илмий-амалий конференцияси материаллар
ТЎПЛАМИ**

Тошкент – 2020 2

“Жаҳолатга қарши маърифат билан курашган мутафаккирлар” шиори остида буюк аждодларимиз, жумладан XX аср жаид адабиёти намояндалари ҳаёти, ижоди, тараққийпарвар ғоялари тарғиботига бағишланган илмий-амалий конференция материаллари// Республика Маънавият ва маърифат маркази. – Тошкент, 2020. – 238 бет.

Мазкур илмий-амалий конференция Ташкилий қўмитасининг 2020 йил 25 августдаги мажлисида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Тўплам Республика Маънавият ва маърифат маркази Илмий-услубий кенгашининг 2020 йил 7 сентябрдаги баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Ташкилотчилар:

Республика Маънавият ва маърифат маркази,

“Ўзбеккино” Миллий агентлиги,

Дин ишлари бўйича қўмита,

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази,

Маданият вазирлиги,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Маъсул муҳаррирлар:

М.Ҳожиматов – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари

М.Қуронов – Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор

Э.Жалилов – Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи

Д.Маҳкамova – Республика Маънавият ва маърифат маркази мутахассиси

Таҳрир ҳайъати:

Б.Каримов – Филология фанлари доктори, профессор

Ҳ.Болтабоев – Ўзбекистон миллий университети профессори

З.Абдирашидов – Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти

Ш.Ризаев – филология фанлари номзоди, адабиётшунос.

© Республика Маънавият ва маърифат маркази, 2020.

**“БУХОРО АХБОРИ” ГАЗЕТАСИ — БУХОРО ХАЛҚ ШҶРОЛАР
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАТБУОТ ОРГАНИ
(1920-1923 ЙИЛЛАР)**

Камол Раҳмонов,

Бухоро давлат университети доценти.

Жамолiddин Абдукаримов,

Хўжанд давлат университети катта ўқитувчиси

1920 йил 2 сентябрь Бухоро амирлиги тугатилиб, унинг ҳудуди ўрнида Бухоро Республикаси ташкил топди. Ҳукумат бошлиғи Ф.Хўжаев (1896-1938) ёш республиканинг матбуот органига асос солиш, бўлажак газетани ҳақиқий халқ минбарига айлантириш учун тегишли чора-тадбирларни кўрди. Маълумки, Ф.Хўжаев жадиdчилик ҳаракати намоёндаларидан бири сифатида 1920 йил сентябрга қадар ҳам Бухорода ноширчилик ва матбаачилик фаолиятида анча тажриба орттирган эди. У 1920 йил июль ойида Тошкентда “Учқун” газетаси нашр қилиб, муҳаррирлик вазифасини бевосита бажарганди. Янги Республиканинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги фаолиятини оммага етказувчи нашр органи “Бухоро ахбори” газетаси бўлди.

Мазкур мақолада ханузгача махсус тадқиқот объекти бўлмаган “Бухоро ахбори” газетаси фаолияти билан боғлиқ масалада бир қадар фикр билдирилади. “Бухоро ахбори”ни тўлиқ ва атрофлича тадқиқ қилиш эса биргина мақола доирасига сифмаслиги табиий.

“Бухоро ахбори” (“Бухоро ахбори” газетасининг ягона нусхаси Бухоро вилоят Ибн Сино номидаги марказий кутубхона архивида сақланади. 1-жилд жамланмаси) газетасининг 1-сони 1920 йил 9 сентябрда Саид Аҳрорий муҳаррирлигида чоп этилган. Газетага материаллар танлаш, уни 195

маблағ билан таъминлаш масалалари ўша даврдаги ҳукумат аъзолари Ф.Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Қ.Й.Пўлатов кабилар томонидан амалга оширилган. Газета эски ўзбек адабий тилида, араб имлосида 1500-2000 нусхада 4 саҳифа ҳолатида чоп этилган. Шу ўринда “газетанинг биринчи муҳаррири” масаласига аниқлик киритишни лозим топдик. Айрим муаллифлар “Бухоро ахбори”ни илк муҳаррири Абдурауф Фитрат бўлган деб маълумот берадилар. Аксинча, биз учратган манбаларда Абдурауф Фитратнинг газета ишида мақолалар билан иштирок қилмаганлиги танқид остига олинган [3].

“Бухоро ахбори”нинг биринчи муҳаррири С.Аҳрорий (1895-1931) Арабистонда таваллуд топган, Тошкентда Ф.Хўжаевга “Учкун” газетасини чоп қилиш ишида ёрдам берган, дунёқараши кенг, матбаачилик тажрибасига эга, қалами ўткир ноширлардан бири бўлган. Шунинг учун Ф.Хўжаев уни газета ишини йўлга қўйиш учун Бухорога таклиф қилган. С.Аҳрорий газета учун мақолалар танлаш, уни ўқимишли, халқ руҳига яқин бўлишини таъминлашда ўз қобилият ва иқтидорини аямади. Газета Бухоро Республикаси ҳаётининг барча жабҳаларини ёритишга қаратилган мунозара ва мушоҳадага чорловчи, танқидий тавсифдаги мақолалар эълон қилган. Биргина Саид Аҳрорийнинг ўзи 1920 йил 9 сентябрдан 1921 йил 30 июнга қадар (С.Аҳрорий 1920-1921 йил июнь ойининг охирига қадар “Бухоро ахбори”га муҳаррирлик қилиб, сўнгра Озарбайжон Республикасига Бухоро ҳукумати номидан элчи қилиб юборилган) “Бухоро ахбори” турли сонларида ўнлаб мақолалар эълон қилган. Унинг “Ёшларимизга”, “Турмуш йўлинда”, “Ҳарбий ишларимиз ҳам алмашсун”, “Инқилобимиз”, “Дўстлик муносабати”, “Дўстлик тийрасида”, “Вазифа бошинда”, “Идораларнинг тузатилиши”, “Ҳаннотларга (олиб сотарларга) мол берилмасун!”, “Мустақил Бухоро”, “Сўнгсиз қиш”, “Луғат ва имло устуни”, “Дорилфунунимиз қалдирғочлари”, “Қиш келди, товушсизлар қотмасун”, “Давлат ишларида ерлиларга ёрдам этилсун!”, “Тўртинчи инқилобий йилимиздан нималар кутамиз”, “Томошахоналаримизнинг аҳволи”, “Хотун”, “Қайтиш”, “Қонга қон” [6] каби турли жанрлардаги мақолалари босилган. Юқоридаги мақолаларда Бухоро Республикаси кундалик турмушининг долзарб муаммолари муаллиф томонидан қаламга олинади. Таъкидлаш жоизки, С.Аҳрорийнинг номлари зикр қилинган “Бухоро ахбори” турли сонларидан ўрин олган кўпгина мақолалари унинг “Танланган асарлар” сирасига киритилмаган [2]. Уларни ўрганиб таҳлил қилиш Бухоро Республикаси тарихининг ханузгача қоронғу бўлган жиҳатларини тўлдиришда ёрдам бериши табиий.

Газетада янги ҳукуматнинг маориф ва маданият, санъат ва адабиёт, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ фармон, буйруқ ва лойиҳалари,

мунозарали мақолалар (мубоҳаса рукнида) босилган. Айниқса, илм ва маориф республиканинг ҳаёт-мамоти эканлигига қайта-қайта мурожаат қилинади [8].

Газетада 1921 йил июлидан 1922 йилнинг январигача (салкам олти ой) машҳур адиб, истиқлол фидойиси Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон муҳаррирлик қилади. Адабиётшунос олим С.Алиевнинг маълумотича, Чўлпон шахсан Фитратнинг илтимосига кўра “Бухоро ахбори” газетасининг муҳаррирлигига таклиф қилинади. Иккинчидан эса, Бухородаги юз бераётган ўзгаришлар ёзувчи ва публицист Чўлпонни жуда қизиқтирар эди [1]. Чўлпон Президентимиз юқори минбарлардан туриб, ўз нутқларида тилга олган “Халқ денгиздур, халқ тўлқиндур, халқ кучдур, Халқ исёндур, халқ оловдур, халқ ўчдур”, деб бошланадиган машҳур шеърини ҳам илк бор “Бухоро ахбори” саҳифаларида эълон қилган. Умуман Чўлпоннинг саъй-ҳаракати билан газетада адабий-публицистик жанрларга эътибор кучаяди. Шахсан муҳаррирнинг ўзи 1921 йил июндан 1922 йилнинг 15 январига қадар газетада 15 та шеър билан чиққанлигини аниқладик. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, Чўлпон ўзининг сиёсий-публицистик тавсифдаги мақолалари остига “Абдулҳамид Сулаймон” тарзида исми-шарифини ёзиб, тахаллусини атайин тушириб қолдиради.

“Бухоро ахбори”да 1922 йил давомида қисқа муддатда Зиё Усманий ва Остонкул Абдулқийём ўғли кабилар муҳаррирлик қилишади (З. Усманий 1922 й. 25 январдан 17 июнгача (67-87-сонлари); О. Абдулқийём 1922 й. 17 июндан 21 сентябргача (88-100-сонлари) муҳаррирлик қилишган).

“Бухоро ахбори” Қори Йўлдош Пўлатов (1890-1965 йиллар) муҳаррирлиги даврида юқори савияда ҳамда кўпроқ тиражда чоп этилади. Қори Йўлдош Пўлатов Бухоро жадидлари орасида ўз ажали билан вафот этган бирдан-бир шахсдир. У Бухоро ҳукуматининг масъул вазифалари: маориф нозири, мудофаа нозири, доҳилия (ички ишлар) нозири, Ўзбекистон ССР ҳукуматида эса молия нозири вазифаларида ишлаган [4, 174-185-б.]. У “Бухоро ахбори”да муҳаррирлик қилган даврда газета фотосуратлар билан чиқа бошлаган. Чунки бевосита Қ.Пўлатовнинг ташаббуси туфайли Москвадан цинтография (аксилхона), Германиядан эса, мусулмонча ҳарф териш машинаси олиб келиниб, замонавий типографияга асос солинган. Қ.Й.Пўлатов “Бухоро ахбори”да бошқа муҳаррирларга қараганда узоқроқ фаолият кўрсатиб, ўзи ҳам газетанинг бир қатор сонларида салмоқли мақолалар билан чиққан. Айниқса, унинг Петербург ва Москва (Россия) саёҳати таассуротлари асосида ёзилган “Йўл хотиралари” туркум мақолалари газетанинг бешта сониди тўлиқ бир саҳифада эълон қилинган. “Йўл 197

хотиралари” совет даври тарихининг XX аср 20-йиллари ҳақида реал хулосалар чиқаришда муҳим манбалардан бири бўла олади [8]. Афсуски, Пўлатовнинг тарихий-маданий мероси ханузгача тадқиқ қилинмаган. Шунинг учун турли нашрларда, жумладан “Бухоро ахборида” давлат бошқаруви, солиқ сиёсати билан боғлиқ унинг ўнлаб мақолалари газета қатламларида қолиб кетмоқда. Агар улар амалдаги имлога ўгирилиб ўқувчиларга ҳавола қилинса бугунги кунимиз учун ҳам аҳамиятли бўларди. Инсон сифатида ҳам Қ.Й.Пўлатов ҳақиқатгўй ва миллатпарвар бўлиб, Ўзбекистон Республикаси молия вазири лавозимида ишлаган даврида (1924-1929 йиллар) ўзи учун ажратилган енгил машинани миллий кадрлар тайёрлаш харажатларига сарфлаган [1]. Унинг миллатимиз маданияти ва маорифи учун жонкуяр инсонлигини айнан “Бухоро ахбори”нинг 1922-1923 йиллардаги сонларида республика ёшларини хорижга (Германия, Туркия, Озарбайжон, Россия) ўқиш учун юбориш билан боғлиқ хабарлар ва мақолаларни муттасил босилиб турилганидан ҳам билса бўлади. Бухоро Республикасининг хорижга ўқитиш учун талабалар юбориш билан боғлиқ маълумотлари газетанинг кўпгина сонларидан ўрин олган. Бу мақолалардан Германия ва Туркияга юборилган талабалар сони, исми-шарифи, улар бориб жойлашган ўқув юртлири ҳақида бой маълумотлар оламиз. Бу мавзу ҳам тадқиқотталабдир.

Қори Ёўлдош Пўлатов газетанинг 1922 йил 21 сентябрь 100-сонидан 1923 йил 21 сентябрь 204-сонигача муҳаррирлик қилган даврида унинг ҳафталик сони ва тиражи кўпайиб, сифати ҳам ошади. Аввал ойида газетхонлар 4-5 марта “Бухоро ахбори”ни ўқисалар, 1922-1923 йилларда эса ойида 8-10 марта ўқиш имкониятига эга бўладилар. “Бухоро ахбори”да Бухоро Республикасининг ҳарбий ислоҳот билан боғлиқ тадбирлари, “вақф масаласи” ва у билан боғлиқ мунозаралар, ташқи алоқалар, миллий ҳаво флотини вужудга келтириш муаммолари каби йўналишларда ўнлаб мақолалар босилади.

Фикримизнинг интиҳосида ва хулоса ўрнида қуйидаги фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз:

1. “Бухоро ахбори” газетасининг Республикамиздаги биргина нусхалари Бухоро вилояти марказий кутубхонасида сақланиб, ўтган 80 йиллар давомида баъзи саҳифалари йўқолган ёки титилиб яроқсиз ҳолга келиб қолгани учун ўқиш имконияти мавжуд эмас. Ҳатто газетанинг бир қатор сонлари жилд жамланмасида мавжуд эмас. Газетани полиграфик жиҳатдан таъмирлаш имконияти Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳридагина мумкин экан. Мутасаддилар бу ҳақда ўйлаб кўришса мақсадга мувофиқ бўларди.

2. “Бухоро ахбори” газетасининг мақолалари ва материаллари орасида рисола ҳолатида нашр қилишга лойиқ (албатта, изоҳ ва тузатишлар билан) материаллар мавжуд. Уларни амалдаги имлога ўгириб чоп этиш истиқлолимиз курашлари тарихи ва ҳозирги учун фойда беради, деб ўйлаймиз.

3. “Бухоро ахбори”ни чуқур ўрганиш янгитдан тадқиқ қилинаётган Бухоро Республикаси тарихининг “оқ доғ”ларини тўлдирувчи манбалардан бири бўлади. Хуллас, “Бухоро ахбори” газетаси 5 миллионли Бухоро Республикаси аҳолиси орасида оз нусхада бўлсада, тарқатиб турилган ягона ўзбек тилидаги матбуот органи бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алиев С. Чўлпон наздида Бухоро/Бухоро ҳақиқати. – 1997 йил 20 декабрь.
2. Аҳрорий С. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2001.
3. Зиё Усманий. Матбуотимиз нима учун юксалмайдур? / Бухоро ахбори. – 1922. – № 83. 9 май.
3. Каримов Н. Такдир ўйини/Хуррият. – 2001 йил 29 август.
4. Маҳмудов М. Барҳаёт сиймолар. – Т.: Ўзбекистон, 1991.
5. Н.Наимов. Бухоро жадиidlари. – Т.: Фан, 2000.
6. Ҳайитов Ш.А. Биринчи муҳаррир/Бухоронома. – 2003 йил 10 сентябрь.
7. Ҳайитов Ш., Раҳмонов К. Истиқлолнинг икки буюк фарзанди. – Бухоро, 2003.
8. “Бухоро ахбори” 1920 йил 26 ноябрь, 10-сон; 1921 йил 10 май, 35-сон; 1921 йил 26 ноябрь, 56-сон; 1922 йил 11 январь, 64-сон; 1922 йил 9 май, 83-сон; 1922 йил 5 ноябрь, 108-сон

4. ЎЗБЕК ЖАДИДЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ (СИЁСАТШУНОСЛИК, САНЪАТШУНОСЛИК, ТЕАТРШУНОСЛИК, МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА Ҳ.К.)

<i>Б.Карим.</i> Махмудхўжа Бехбудий маърифати.....	136
<i>Ш.Абдурасулов.</i> Ўзбек театрида жадид маърифатпарварлари образи.....	141
<i>З.Амиркулова.</i> Тарихий шахс сифатида Бехбудийнинг жадидчилик харакатида тутган ўрни.....	146
<i>И.Бекмирзаев, Г.Ашурова.</i> Туркистон уламолари фатволарининг маҳаллий матбуотда ёритилиши.....	151
<i>Б.Гаппаров.</i> Ўрта Осиёда жадидчиликнинг ғоявий ривожланиш бочқичлари.....	157
<i>М.Дармонова.</i> Фитратнинг илмий мероси.....	160
<i>Д.Жамолова.</i> Бухоролик тараққийпарвар Мирзо Сирожиддин Ҳакимнинг тиббий мероси.....	164

<i>К.Исмаилов.</i> Хужжатли кинода жадид маърифатпарварлари образи.....	170
<i>М.Мамадҷонова, О.Одилҷонов.</i> Жадид маърифатпарварларининг маънавий-маърифий қарашлари.....	174
<i>Х.Мансурова.</i> Абдулла Авлоний маърифатпарварлик ғояларининг замонавий таълимдаги аҳамияти.....	179
<i>Л.Мухамеджанова.</i> Садри Зиё ва унинг Бухородаги шахсий кутубхонаси.....	182
<i>Г.Очилова, И.Тоҷиева.</i> Маърифатпарвар жадид мутафаккири Бехбудийнинг ижтимоий-сиёсий тафаккур тараққиётига таъсири.....	187
<i>К.Раҳмонов, Ж.Абдукаримов.</i> “Бухоро ахбори” газетаси – Бухоро халқ шўролар Республикасининг матбуот органи (1920-1923 йиллар).....	194
<i>М.Рустамалиев.</i> Чуст маърифатпарварларининг ижтимоий-сиёсий ва адабий ҳаракатлари.....	198
<i>К.Султонов, А.Усманова.</i> Абдурауф Фитратнинг миллий ўзликни англашдаги ўрни.....	203
<i>Б.Турдиев.</i> Бухоро жадидларининг жамиятни маънавий янгилаш ҳақидаги қарашлари.....	206
<i>О.Ўроқова.</i> Чўлпон маърифатпарварлик ғояларининг эстетик моҳияти.....	211
<i>З.Ҳамидов.</i> Бехбудийнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти.....	215
<i>М.Юсупов.</i> Фарғона вилояти маърифатчилигининг шаклланишида “Садойи Фарғона” газетаси манба сифатида.....	221
<i>О.Юсупова.</i> Жадид алломаларининг тилимиз равнақига оид қарашлари хусусида айрим мулоҳазалар.....	